

---

## Янги ўқув йилига тайёргарлик жараёни ўрганиб чиқилди

Данғара тумани ҳокими ҳамда туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи томонидан Ғумайли МФЙда жойлашган 2-умумий ўрта таълим мактабида янги ўқув йилига тайёргарлик жараёни ҳамда таълим муассасаларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатлари ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида мактабдаги синф хоналарининг ўқув йилига тайёргарлиги, зарур воситалар ва жиҳозлар билан таъминланганлиги, мактаб ҳудудида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари билан танишиб ўтилди.

---

2024-08-06 18:38:18